



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 25 октябрь, № 218 (8841)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЛОБАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГ МУЛОҚОТ ВА ОЧИҚ МУҲОКАМАЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 24 октябрь куни “БРИКС плюс” саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтказилган тадбирда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафоса, Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Эрон Ислам Республикаси Президенти Массуд Пезешкиён, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, бошқа бир қатор давлатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмаларнинг раҳбарлари ҳамда юқори даражали вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ инклюзив ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, шунингдек, гло-

бал ва минтақавий сиёсатнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “БРИКС плюс” форматидаги учрашувлар глобал ривожланишнинг долзарб масалаларида кенг мулоқот ва очиқ муҳокама учун муҳим эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда дунё жадал бўлиниб бораётганини, инсонларга улкан азоб-уқубатлар, оғир изтироб ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар келтираётган уруш ва можаролар сони ортаётганини афсус билан қайд этди.

— Жаҳон иқтисодиёти ва савдосининг парчаланиб бораётгани тенгсизлик, технологик узилишлар ва протекционизмни кучайтирмоқда. Мамлакатлар ўртасида янги тўсиқлар вужудга келмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай шароитда тенг ҳуқуқликлик, блоклардан холилик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, суверенитетга ва ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш ҳуқуқига ҳурмат каби тамойилларга асосланиб ҳаракат қилаётган БРИКС ўзини кўп томонлама ҳамкорлик ҳамда шерикликнинг нуфузли ва ривожланиб бораётган тузилмаси сифатида намоён этмоқда.

Ўзбекистон етакчилиги ўзaro алоқаларнинг бундай модели БМТнинг марказий ролини сақлаган ҳолда жаҳон

тартиботининг бугунгидан кўра адолатлироқ янги архитектурасини шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкинлигига ишонч билдирди.

Геосиёсий рақобат, миллий эгоизм ва мафкуравий қолиплардан холи бўлган, конструктив мулоқот йўли билан глобал муроСага эришиш бўйича янграган даъватларни қўллаб-қувватлади.

— Жаҳондаги бошқарув институтларини ислоҳ қилиш ҳамда “Жануб — Жануб” ва “Шимол — Жануб” форматларидаги масъулиятли мулоқотларни кенгайтиришнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон БРИКС давлатлари билан шериклик алоқаларини бундан буён ҳам фаол чуқурлаштириш, ушбу бирлашма доирасида очилаётган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш ниятида экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари БРИКС мамлакатларининг глобал тенгсизлик ва иқтисодиётни инклюзив йўл билан қайта тиклаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги фундаментал содиқлигини қўллаб-қувватлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «БРИКС ПЛЮС» ФОРМАТИДАГИ САММИТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Жанубларига аънанавий самий қабул ҳамда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашган ва минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий Қозон шаҳрида тадбиримизни юксак даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Хурматли ҳамкасбларимнинг нутқлари глобал ривожланишнинг долзарб масалаларида кенг мулоқот ва очиқ муҳокама учун “БРИКС плюс” форматидаги учрашувлар муҳим эканини тасдиқламоқда.

Афсуски, бугунги кунда дунё жадал бўлиниб бормоқда. Инсонларга улкан азоб-уқубатлар, оғир изтироб ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар келтираётган уруш ва можаролар сони ортмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва савдосининг парчаланиб бораётгани тенгсизлик, технологик узилишлар ва протекционизмни кучайтирмоқда. Мамлакатлар ўртасида янги тўсиқлар вужудга келмоқда.

Бундай шароитда тенг ҳуқуқликлик, блоклардан холилик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, суверенитетга ҳурмат ва ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш ҳуқуқи каби тамойилларга асосланиб ҳаракат қилаётган БРИКС ўзини кўп томонлама ҳамкорлик ҳамда шерикликнинг нуфузли ва ривожланиб бораётган тузилмаси сифатида намоён этмоқда.

Ўзаро алоқаларнинг бундай модели Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий ролини сақлаган ҳолда жаҳон тартиботининг бугунгидан кўра адолатлироқ янги архитектурасини шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкинлигига ишонамиз.

Геосиёсий рақобат, миллий эгоизм ва мафкуравий қолиплардан холи бўлган, конструктив мулоқот йўли билан глобал муроСага эришиш бўйича янграган даъватларни қўллаб-қувватлайман.

Жаҳондаги бошқарув институтларини ислоҳ қилиш ҳамда “Жануб — Жануб” ва “Шимол — Жануб” форматларидаги масъулиятли мулоқотларни кенгайтиришнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Россиянинг БРИКСга самарали раислиги даврида Ўзбекистон ушбу тузилманинг Ёшлар саммити ва Спорт

(Давоми 2-бетда).

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Мухтарам фахрийлар!

Сиз, азизларни бугунги қўтлуғ касб байрамингиз билан чин қалбимдан самий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда сизларнинг халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги катта хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Хозирги кунда “Барча ислоҳот ва ўзгаришлар — инсон қадрини улғушлаш учун” деган эзгу тамойил асосида бутун юртимизда фуқароларимиз учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қиладиган халқчил ва профессионал тизимга айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда барча маҳаллаларда ҳафсиз, тинч ва осойишта муҳит яратиш, ҳудудларда илгор тажриба ва амалиётларни жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга киритилётганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, Хива туманининг Истиклол маҳалласи намуна сифатида белгилаб, шу асосда 314 та криминоген вазияти оғир маҳаллада рақамлаштириш жараёни тўлиқ амалга оширилди. Ёнма-

ён жойлашган, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни кичик ҳудудларга ажратган ҳолда уларда янгича иш ушбуларни орқали жамоат тартибини сақлаш бўйича Наманган шаҳар тажрибаси яратилди.

Профилактика, патруль-пост ва проба хизматлари инспекторларининг фаолиятга замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш, ходимларнинг билим даражасини ошириш орқали ҳудудларда ҳавфсиз муҳит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятида маҳаллалар жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун кичик ҳажмдаги дронлардан фойдаланиш тажриба тарихида йўлга қўйилди.

Энг муҳими, биз ёш авлодимизнинг соғлом ҳаёти ва келажагини таъминлаш учун гивҳандликнинг олдини олиш, ёшларда бундай воситаларга нисбатан кучли иммунитетни шакллантириш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасига, айниқса, интернет тармоқлари орқали тарқалишига чек қўйишга қаратилган миллий стратегиямизни қабул қилдик ва уни қатъий ижро этишига киришдик.

Ана шундай ислоҳотлар натижасида жиноятчиликни жиловлаш бўйича ёндашувлар тубдан ўзгарди. Ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиши мумкин бўлган фуқароларни профилактика инспекторлари вақтида аниқлашлари ҳамда маъжуд муаммолар “маҳалла этилиги” томонидан самарали ҳал этилиши учун ижтимоий профилактика тизими ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий механизми яратилди. Жиноятчиликка оид тенденцияларни комплекс илмий ёндашувлар асосида аниқлаш, тизимлаштириш ва салбий омилларни барта-

раф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимига Ўзбекистон Кримнология тадқиқот институти иш бошлади.

Қайд этиш лозимки, республикамизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Мисол учун, Буюк Британиянинг Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан ўтган йили эълон қилинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 121 та мамлакатидан орасида энг ҳавфсиз давлат деб тан олинди. Бундай ютуқ бизга мамнуният бағишлаш билан бирга, катта масъулият ҳам юкляйди.

Азиз дўстлар! Тизим ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий Ҳимоясини кучайтириш масаласи ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бу жараёнда, аввало, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ҳамда криминоген вазияти оғир бўлган туман ва маҳаллаларда хизмат қилаётган ходимлар меҳнатига алоҳида аҳамият берилиб, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитлари яратилмоқда.

Албатта, бугунги шиддатли тараққиёт асрида ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш — мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омил эканини сизлар яхши тушунасиз.

Шунинг учун тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳот ва янгиланишларни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Жумладан, янги турдаги жиноятлар ҳамда ахборот воситалари ёрдамида содир этилаётган ҳуқуқбу-

зарликларга қарши курашишда таъсирчан механизмларни қўллаш, криминоген вазият бўйича “қизил” тоифада бўлиб келаётган маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида жиноятчиликни жиловлаш юзасидан манзилли иш олиб боришимиз, тергов сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида бу соҳада адолатга бўлган қатъий ишончнинг шакллантиришимиз лозим.

Мухтасар айтганда, ички ишлар тизимидagi ўзгаришларнинг амалий натижасини халқимиз ўз кундалик ҳаётида доимо сезиши, ҳис этиши шарт.

Хурматли соҳа ходимлари! Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга ўз хизмат бурчингиз ва муқаддас қасамданингизга доимо содиқ қолиб, Ватанимиз ва халқимизга фидокорона хизмат қилиб келаётганингиз учун чин дилдан ташаккур билдиргиман.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатингизни муносиб рағбатлантириш келгусида ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлади.

Ушбу қўтлуғ айёмда эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган мард ва ҳур соҳа ходимларининг хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига байрам табригимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Сизларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари кунини билан яна бир бор самийий қўллаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга бахт-саодат, тинчлик ва файзу барока, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат ҳавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлини мустаҳкамлашга қўшган муносиб хиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ишлари самардорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, муқаддас қасамдига содиқ қолиб, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, соҳада профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Алматов Закиржон — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси

«Мардлик» ордени билан

Мардонкулов Нодиржон Қодиржонович (марҳум) — Фарғона вилояти Данғара тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Эллик тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

24 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳуқуқат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунини дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамаси бўлиб ўтди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «БРИКС ПЛЮС» ФОРМАТИДАГИ САММИТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш масалалари ҳам бизнинг эътиборимиз маркази бўлади.

Ташкилот доирасида ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқишни таъминлаймиз.

Хурматли ҳамкасблар!

БРИКС маконида халқаро терроризм билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш масалалари, ҳеч шубҳасиз, шериклигимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Радикаллашув ва экстремистик ғояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Яқин Шарқдаги тобора кескинлашиб бораётган можаро бизни ҳам ташвишга солмоқда. Бу минтақа қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг бу можарога тортилиши билан глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланиб бормоқда.

Биз Ғазо ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани қалбимиздаги оғриқ ҳисси билан қабул қиляпмиз. Тинч аҳоли, айниқса, болаларнинг беғуноҳ қурбон бўлишини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар оқлай олмайди.

Бугунги кунда ўт очишни зудлик билан тўхтатиш ва жабрланганларга шошилиш ёрдам кўрсатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир. Исроил — Фаластин муаммосининг ягона ечими — “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳақида гапирганда, Афғонистон муаммосини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бизнинг умумий вазифамиз — ушбу мамлакатни яқлаш эмас, балки Афғонистон халқига ва унинг амалдаги ҳокимиятига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тинч курилиш ва тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатишдир.

Хурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон барқарор тараққиётнинг умумий мақсадларига эришиш учун БРИКС мамлакатлари билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ГЛОБАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГ МУЛОҚОТ ВА ОЧИҚ МУҲОКАМАЛАР МАЙДОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, Ўзбекистон устувор инвестициявий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун БРИКСнинг янги Тараққиёт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирган ҳамда инновация, рақамли иқтисодиёт, “яшил” тараққиёт ва энергетика, тўсиқларсиз электрон тижорат каби соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор.

Шунингдек, Ўзбекистон БРИКС сунъий интеллект бўйича Тадқиқот гуруҳининг қўшма лойиҳаларида иштирок этиш, ЮНИДО хузурида ташкил этилаётган Компетенциялар марказига, шунингдек, таъкидланганидек, Инвестиция платформасига қўшилиш ниятида.

Президентимиз Ўзбекистон БРИКСдаги шериклари билан биригилда транспорт соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш, янги трансконтинентал йўлакларни яратиш, етказиб беришнинг ишончли логистика занжирларини шакллантириш, ка-

ботаж ташувлар тизимини ривожлантириш борасида яқиндан иш олиб боришга тайёрлигини билдирди.

Озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш масалаларида ҳам ҳамкорлик қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ташкилот доирасида ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, давлатимиз раҳбари барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқишни таъминлади.

Халқаро терроризм билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон раҳбари радикаллашув ва экстремистик ғояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Яқин Шарқдаги можаро то-

бора кескинлашиб бораётгани, бу минтақа қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг бу можарога тортилиши билан глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланиб бораётгани алоҳида ташвиш билан қайд этилди.

— Биз Ғазо ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани қалбимиздаги оғриқ ҳисси билан қабул қиляпмиз. Тинч аҳоли, айниқса, болаларнинг беғуноҳ қурбон бўлишини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар оқлай олмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда ўт очишни зудлик билан тўхтатиш ва жабрланганларга шошилиш ёрдам кўрсатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар экани таъкидланди.

— Исроил — Фаластин муаммосининг ягона ечими — “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўлиб қолмоқда, — деди Президент.

Афғонистон муаммосига тўхталиб, давлатимиз раҳбари ушбу мамлакатни яқлаш эмас,

балки Афғонистон халқига ва унинг амалдаги ҳокимиятига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тинч курилиш ва тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш умумий вазифа эканини қайд этди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон етакчиси барқарор тараққиётнинг умумий мақсадларига эришиш учун БРИКС мамлакатлари билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БРИКС саммити доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Хукуматлараро ва идоралараро мулоқотларга тизимли тус бериш зарурлиги таъкидланди. Томонлар келгуси йил

бошида Ханой шаҳрида Савдо-иқтисодий масалалар бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини, шунингдек, бизнес форуми ва саноат кўргазмасини ўтказишга келишиб олдилар.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш тақлиф этилди. Ишбилармонлик ва сайёҳлик алоқаларини, шу жумладан, визасиз тартиб жорий этиш орқали кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий ва юқори даражадаги учрашувлар жадвали кўриб чиқилди. Бош вазир Фам Минь Тинь Ўзбекистон Президентини расмий ташриф билан Вьетнамга келишга тақлиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Дўстлик» ордени билан

Горбачевич Викториа Александровна — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

«Жасорат» медали билан

Муродов Журабек Мухаммадиевич — Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

Суворов Шерзод Раҳматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Аскарлов Уктаб Баҳромович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи
Қодиров Сайдақбар Махаматсодиқович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Қўшбармоқов Улуғбек Сангиркулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий тергов хизбонаси ходими
Мирсадиков Дилмурод Мирхаммадович — Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Муйдинова Гулнора Тошпулатовна — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бош эксперти
Сайидов Нодирбек Баҳодирович — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Хожиева Мархабо Хикматиллаевна — Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бўлими катта терговчиси
Худаяров Низомжон Ражаббаевич — Хоразм вилояти Хонқа тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

«Соғлом турмуш» медали билан

Адилова Гулшод Пулатовна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори

«Шуҳрат» медали билан

Алибоев Маматали Ҳазраткулович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Дустов Зафар Абиорович — Жиззах вилояти Арнасой тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Индиаминов Фаррух Нуриддинович — Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 8-сон ички ишлар бўлими бошлиғи

Қазақбаев Малик Пердебаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоат тартибни сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

Қучқоров Турғун Раҳимбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи ўринбосари — ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази бошлиғи

Қосимов Уткирбек Соибжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Ниязов Феруз Жуманазарович — Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлимининг 1-сон ички ишлар бўлими бошлиғи

Хидиров Юсуфжон Илхомжонович — Наманган вилояти Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 23 октябрь

Учрашув

САЙЛОВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларни кузатиш бўйича кузатувчилар миссияси ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Дастлаб Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомжонбаев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси махсус мувофиқлаштирувчиси ва раҳбари, ЕХТХ Парламент Ассамблеясининг Иқтисодий ишлар, фан, технологиялар ва атроф-муҳит бўйича бош қўмита раиси Азей Гулиев билан учрашди.

Раджив Кумар билан учрашув ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ва Ҳиндистон Марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамлашиб бораётгани, маъзур дўстона муносабатлар ва ҳозирда Ҳиндистон МСҚ раислик қилаётган Осие Сайлов органлари ассоциацияси доирасида тажриба алмашинувининг йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга эътибор эътибор.

Шундан келиб чиқиб, маъзур алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ҳиндистон сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Таъкидланганидек, меморандум доирасида сайловлар соҳасида тажриба алмашинуви ва малака ошириш лойиҳалари тақдимлаштириб борилди.

Учрашув иштирокчилари сайлов қонунчилигидаги янгиликлар билан танишар экан, сайлов тартиб-тамоилларини тақомиллаштириш бўйича олиб борилаётган савий-ҳаракатларга ижобий баҳо бериб, бу бўлажак сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро демократик таъминлаш асосида ҳамда юқори даражада ўтказилишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Халқ сўзи».

КУЧЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИДАГИ ФАОЛ ТАШВИҚОТ

Жорий йилнинг 27 октябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тарихида илк мартаба ўтказилаётган аралаш сайлов тизими, шубҳасиз, партияларнинг сайловолди ташвиқотининг ҳар жиҳатдан тақомиллашувига хизмат қилмоқда.



Сайлов — давлат ҳокимиятини шакллантиришда халқнинг иштирокини таъминловчи муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Аралаш сайлов тизимида номзодлар ҳамда сиёсий партиялар ўртасида рақобатли кураш муҳити вужудга келади. Бу кураш майдонида кимнинг ғоялари кучли, кимнинг ҳатти-ҳаракатлари таъсири бўлади, ким ўз имижини ва сайловолди дастурини пухта тайёрлайди ва умуман, ким сайловда ғалаба қозонади — буларнинг барчаси сайлов ташвиқотларини самарали ташкиллаштириш ва олиб боришга боғлиқ.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқотини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 44-моддасида сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларнинг номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир, деб кўрсатилган. Шунингдек, депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб бориш бўлиб бора-сида тенг ҳуқуқларга эга экани ҳамда сайловолди ташвиқотини олиб боришдаги таққилар ва ман қилинган ҳолатлар белги-ланган. Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини олиб боришини батафсил тартибга солади.

Таъкидлаш лозимки, сайловларнинг фаол ўтиши ва унинг натижалари кўп ҳаф-тадан сайловолди ташвиқотларига боғ-лиқ. Чунки муайян номзод ва партия учун овоз беришга ундашга қаратилган савий-ҳаракатлар номзод ва партияларнинг имиж-и, сайловчилар эътиборини жалб қиладиган ғоялари, ижтимоий-иқтисодий ти-

зимни янада ривожлантиришга бағишланган мақсад ва вазифаларига боғлиқ. Сайловчилар овози учун кураш сиёсий партиялардан сайловолди ташвиқотини олиб боришда юқори профессионал ёндашувни талаб қилади. Зеро, номзод ва партия имижини шакллантириш — сайловолди ташвиқотининг зарури ва ҳал қилувчи босқичларидан бири. Бу жараён тартиб-тамоилларини таъминловчи муқаммал тайёргарлигини талаб этади.

Сайлов округлари бўйича номзодлар ўз сайловолди ташвиқотини сайлов округининг ижтимоий-иқтисодий ривожини, аҳолисининг демографик тузилишини, турмуш тарзини, ҳаёт даражасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, энг муҳими уларнинг ўз ҳудудини ривожлантириш билан боғлиқ тақлифларини эътиборга олган ҳолда олиб бориши керак.

Ягона округ бўйича сайловолди ташвиқотини асосий омил сиёсий партия ғоялари ва сайловолди дастурий мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Партиялар сайловолди дастурининг мақсад ва вазифаларини сайловчиларга етказишда унинг тарғибот кампанияси муҳим роль ўйнайди.

Бугун мамлакатимизда сиёсий партиялар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ сайловолди ташвиқотларини фаол олиб боришмоқда. Партиялар веб-саҳифаларида, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида, газета ва журналларда ўз сайловолди дастурларининг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилмоқда. Партия етакчилари ва фаолларининг ОАВдаги чиқишлари уларнинг жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ тақлиф ва ғояларга эгалигидан далолат беради. Бу, шубҳасиз, сайловчилар эътиборини тортиб ва ўз ғояларига, мақсадларига ва истиқболдаги режаларига мос ташаббусларни илгари сураётган партияларни танлашга асос бўлади.

Ишонч билан қайд этиш лозимки, сайловолди ташвиқотлари Сайлов кодекси асосида очиб ва шэффоф олиб боришмоқда. Хусусан, ОАВда депутатликка номзод ва сиёсий партиялар вакилларининг чи-

қаришлари, жамоат ҳийларда депутатликка номзодга ва сиёсий партияларга оид плакатлар, баннерлар, ижтимоий тармоқларда номзод ва сиёсий партия учун овоз беришга чорловчи видео ва аудиороликларни кўриш мумкин. Бу сайловолди ташвиқотларнинг очиб ва ўзаро тенг рақобат асосида ўтаётганини кўрсатади.

Бу йилги сайловолди ташвиқотларида теледебатлар муҳим ўрин тутмоқда. Биламизки, хорижий давлатларда сайлов жараёнларида теледебатлар кенг йўлга қўйилган ва унга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Бу билан махсус имижмейкер ва спичрайтерлар шугулланади. Чунки номзодлар ва партия вакилларининг теледебатларда чиқишлари бўлажак сайлов натижаларига таъсир қилади. Бугун барча сиёсий партия теледебатларда ўзларини муқаммал кўринишда намойн қилмоқда, сайловолди дастурларини халққа тушунарли тилда, мазмунли ва қизиқарли тарзда етказиб бermoқда. Бу уларнинг сайловолди ташвиқотлари жараёнида профессионалликни юксалиб бораётганини кўрсатади. Баҳо-мунозараларда партиялар ўзларининг кучли томонлари намойн этмоқда. Теледебатларда келгуси 5 йилдаги мақсад ва вазифаларининг муҳим жиҳатларини ишончли ва асосли тарзда баён этмоқда.

Теледебат сайловчилар ва партияларни бир-бирига яқинлаштириши баробарида ҳар бир овоз учун партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётганини ҳам яққол кўрсатади. Умуман, бугунги сайловолди ташвиқотлари кучли парламентаризмнинг шаклланишидан дарак бermoқда.

Демак, сайловолди ташвиқоти бўлажак сайловда сайловчиларнинг максимал қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида вакиллик органларига номзодлар ва фаолларнинг партиялар томонидан сайлов курашида олиб бориладиган ташвиқот тадбирлари мажмуи ҳисобланади ва уларнинг самарали ташкил этилиши сайловларда номзодлар ва партияларнинг муваффақиятини таъминлайди. Бу йилги сайлов жараёни партиялар ва уларнинг номзодлари ўртасида кучли рақобат муҳитида бўлиб ўтаётгани билан ажралиб туради.

Равшан ҒОЗИЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти вазифини бажарувчи (PhD).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қонунда озодликдан маҳрум этилган шахсларни улар жазо ўтагани давом эттириш учун, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун бериш ва қабул қилиш асослари, шартлари ҳамда рад этиш тўғрисидаги қоидаларни киритиш назарда тутилган.

Қонун ҳорижий давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиби, шахсларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа масалаларга доир қоидаларни қамраб олган.

Қонунда маҳкумларни жазони ўташни давом эттириш ёхуд руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикасига қабул қилиш тўғрисидаги муносабатларни кўриб чиқиш тартиби ҳам аниқ белгиланмоқда.

Мазкур қоидалар белгиланиши миллий қонунчиликда маҳкумларни топшириш тартибининг норматив-ҳуқуқий асосини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар бўйича ўзининг мажбуриятларини янада тўлиқ даражада ижро этишига имконият беради.

Муҳожама давомида қонун маҳкуми унга белгиланган жазони ўз давлатида ўташи орқали уни ижтимоий реабилитация қилишни жадаллаштиришга, шунингдек, хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Сенатнинг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206 ва 248-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги Қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Бу борада 2024 йил 7 август кунини "Пробация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ушбу тизим доирасида маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар ўртасида кенг қамровли профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишига қарамасдан маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда.

Бу эса мазкур йўналишдаги ҳуқуқий таъсир чораларининг қайта кўриб чиқилиши талаб этмоқда.

2023 йилда маъмурий назорат қонун таъсири остига тушувчи 5 529 нафар шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган. 2024 йилнинг 9 ойида 5 689 нафарни ташкил этган ва бу тои-

фадаги шахслар 160 нафарга ортган. Бундан ташқари, 2023 йилда 83 763 нафар шахс ички ишлар органларининг пробация назоратида турган бўлса, 2024 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 86 226 нафарни ташкил этган, яъни жорий йилда бундай шахслар 2 463 тага кўпайган.

2023 йилда маъмурий назоратда турган 4 167 нафар шахс судлар томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя қилмаганлиги учун уларга биринчи мартаба маъмурий баённомалар расмийлаштирилган. 2024 йилнинг 9 ойида 3 153 нафар шахсга маъмурий баённомалар тузилган.

Айнан шу тоифадаги шахслар судлар томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)ларга бир неча бор риоя қилмаганлиги учун 2023 йилда 717 нафар ва 2024 йилнинг 9 ойида эса 637 нафар шахс Жиноят кодексининг 226-моддаси (Маъмурий назорат қоидаларини бузиш) бўйича жавобгарликка тортилган.

Бугунги кунда суд томонидан белгиланган чекловлар ва мажбуриятларга риоя этмаётган пробация назоратидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани туфайли, шу жумладан, оғир ёки ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳамда таъсирчан чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимларига қўшимча ваколатларни бериш зарурати юзага келмоқда.

Шу боис Ички ишлар вазирлиги томонидан назорат остида турган махсус тоифа шахслар ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш, уларда қонунга итоткор ҳулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидаларига ва аъённаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Муҳожама қилинган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддаси санкция қисмига амалда бўлган жазима жазосидан ташқари маъмурий қамоқ жазоси ҳам киритилмоқда.

Пробация бўлинмалари ходимларининг назорати остидаги шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда унга нисбатан маъмурий баённома тузиш учун уни ҳудудийлик жиҳатдан яқин орада жойлашган таянч пункти профилактика инспекторининг олдига олиб бориб, маъмурий баённома расмийлаштириш керак, бу пробация ходимининг иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ортиқча вақт сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис муҳожама қилинаётган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси тўртинчи қисмига қўшимча ва ўзгариш киритиш орқали ички ишлар органларининг 185² ва 187-моддалари бўйича пробация назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатини пробация хизматининг катта инспектори ва инспекторига бериш нормаси белгилаб қўйилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши махсус тоифадаги шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган жойининг ўзида таъсир чораларини қўллашга, ушбу тоифа шахслар

билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг ошишига ҳамда фуқароларнинг беҳуда оворагарчиликларининг олди олинишига хизмат қилади.

Муҳожамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Бугунги кунда миллий процессуал қонунчилик ҳужжатларида электрон (рақамли) далиллар тушунчаси, улардан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилган.



Айюлов МУҲАММАДОВ олган сурат.

Электрон (рақамли) далилларга қандай маълумотлар киритилиши ҳақидаги масалалар ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу сабабли мазкур қонун билан амалдаги қатор кодекслар ва қонунларга электрон маълумотлар ҳамда рақамли далиллар тушунчаси, рақамли далилларни тўплаш, тақдим этиш, мас-таҳкамлаш, қўздан кечириш, текшириш ва баҳолаш, уларни сақлаш, қайтариш, шунингдек, йўқ қилиш тартибини белгиловчи тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, электрон маълумотларга электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлар кириши кайд этилмоқда.

Мазкур қонун билан терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тергов ва суд жараёнини ишгироскилар томонидан тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олиши, электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмларни қўздан кечириши кераклиги борасида аниқ тартиб белгиланмоқда.

Шунингдек, қонунда рақамли далиллар тушунчаси ҳам қайд этилмоқда. Унга қўра иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги электрон маълумотлар, шу жумладан, электрон файллар, аудио ва видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган ва бошқа электрон маълумотлар рақамли далил

бўлиши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга ҳамда одил судлов сифатини ошириш ва суд иш юритувини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Сенатнинг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ноқонуний ов қилиш,



Айюлов МУҲАММАДОВ олган сурат.

браконьерлик туфайли хайвонот ва наботот турлари сони тобора камайиб бормоқда. Натijaда экологик вазият кескинлашяпти, бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қурилиш ва бошқа ишларни амалга оширишда кимёвий, биологик ва бактериялар воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан дарахтларни қуришти ҳолатлари учраётганини ОАВ орқали кўриб гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шунингдек, сув ҳавзаларида турли ноқонуний усуллар ёрдамида, хусусан, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратларни қўлланган ҳолда балиқ овлash ортиб бормоқда. Бу балиқ захиралари қирилиб кетишига, турлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизда бундай қилмишлар учун жазо чораларининг енгиллиги эса браконьерларга жуда кўп келмоқда.

Боз устига, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўқсизлик қилганлик, қўрсатмаларини бажармаслик учун белгиланган санкция мазкур йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини таъминлаш имконини бермайти.

Таъкидланганидек, тақлиф этилаётган қонун билан амалдаги 2 та кодекс ва 2 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексига хайвонот ёки ўсимлик дунёсининг фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, электр токини, портловчи, кимёвий моддаларни ёки биологик препаратларни қўлланган ҳолда ов қилиш ёхуд балиқ овлash учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан 600 бараваригача жарима белгиланмоқда ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинмоқда, 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда. Оғирлаштирувчи ҳолатларда қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ов қилиш ва балиқ овлash қоидаларини, шунингдек, хайвонот дунёсининг фойдаланишини бошқа турларини амалга ошириш



Айюлов МУҲАММАДОВ олган сурат.

қоидаларини бузганлик учун қўзда тутилган жарималар миқдори икки бараварга оширилмоқда.

Кимёвий, биологик ва бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ёхуд ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш вақтида дарахтларга, буталарга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, пайҳон ва нобуд қилиш ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 бараваридан 50 бараваригача, мансабдор шахсларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 60 бараваридан 75 бараваригача жарима назарда тутилмоқда.

Ов қилиш ва балиқ овлash қоидаларини бузганлик, шунингдек, хайвонот дунёсининг фойдаланишининг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик эса 2 бараварга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Экология давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўқсизлик қилганлик, қўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарлик кучайтирилиб, фуқароларга БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 20 бараваридан 30 бараваригача жарима белгиланмоқда.

"Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида"ги қонунлар нормалари ўзaro мувофиқлаштирилиб, ушбу қонунларда-

ги ов қуроли, шу жумладан, балиқ овлash қуроли билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилмоқда.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши ноқонуний ов қилиш ҳолатларининг олдини олиш орқали биологик ресурсларни муҳофаза қилишга, дарахт ва буталар нобуд қилинишининг олдини олишга, давлат экологик назорати институти самарадорлигини оширишга, мамлакатимизда экологик барқарорлигини таъминлашга, табиий ресурсларни кафолатланган ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Муҳожама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисида "Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳақ тўланадиган таътиллари тўғрисидаги 132-Конвенциясини (1970 йилда қайта кўриб чиқилган) (Женева, 1970 йил 24 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада кенгайиб, сифат жиҳатдан янги bosқинга кўтарилди.

Конвенцияда меҳнат муносабатларида ходимларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари, шу жумладан, дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллاردан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш чораларини янада кучайтириш каби масалалар назарда тутилмоқда.

Конвенция барча соҳада ишлайдиган ходимларга дам олиш ва ишлаш қобилиятини қайта тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ҳар иш йили учун бериладиган таътиллари таъминлашга замин яратди.

Қайд этилганидек, шу кунга қадар ушбу Конвенция 38 та давлат томонидан ратификация қилинган.

Конвенциянинг қабул қилиниши келгусида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада юксалтиришга ҳамда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини юқори поғоналарга кўтаришга имкон яратди.

Шунингдек, барча соҳада ишловчи ходимларнинг дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллاردан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни амалиётга самарали жорий этишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисида жамяят ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган 15 та масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланиш ва ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар муҳожамадан ўтказилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлардан фикр-мулоҳазалар ёзиб олди.

Муносабат

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида пробация хизмати ташкил этилди. Яъни пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди ва 2024 йил 7 август кунини "Пробация тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Аммо ҳозирги шиддатли даврда шунинг ўзи билан кифоялиб қолмай сира мумкин эмас. Бугунги кун ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимларига самарали фаолият кўрсатишлари учун қўшимча ваколатлар бериш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу зарурат асосида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексининг 206 ва 248-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун ишлаб чиқилган.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 206-моддаси санкция қисмига амалда бўлган жарима (базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан у бараваригача) жазосидан ташқари маъмурий қамоқ (ун беш суткагача муддатга) жазоси киритилаётганини таъкидлаш жоиз.

Қолаверса, сўз юритилаётган кодекснинг 248-моддаси тўртинчи қисмига қўшимча ва ўзгариш киритиш орқали ички ишлар органларини номидан 185² ва 187-моддалари бўйича пробация назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатини пробация хизматининг катта инспектори ва инспекторига бериш нормаси белгилаб қўйилмоқда (бугунги кунда профилактика инспектори томонидан баённома тузилади).

Мазкур қонун келгусида махсус тоифадаги шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузар-

ликлар бўйича у аниқланган жойда таъсир чораларини қўллаш, ушбу шахслар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг мавқеини юксалтириш ва юкломаларини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда юртимизда барча соҳа ва тармоқларда фуқаролар меҳнат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, муносабат меҳнат стандартларини амалда жорий этиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шу мақсадда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, мазкур тузилма ҳужжатларини қонунчилигимизга сингдириш чоралари кўриляпти. Ҳозиргача тузилма 23 та конвенция ва 1 та баённомаси ратификация қилинган ҳам шундан далолат беради.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Халқаро меҳнат ташкилотининг Ҳақ тўланадиган таътиллари тўғрисидаги 132-сонли Конвенциясини ратификация қилишга доир қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган билан аҳамиятлидир.

Кези келганда ушбу Конвенция ҳозирги кунда 38 та давлат томонидан ратификация қилинган, унинг асосий мақсади барча соҳада ишлайдиган ходимларга дам олиш ва ишлаш қобилиятини қайта тиклаш учун лавозими ва ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ҳар йили таътиллари берилишини таъминлашдан иборат эканлигини ургулаш лозим.

Айтиш лозимки, Конвенция нормалари Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига тўла имплементация қилинган. Масалан, Меҳнат кодексини 216-моддасида барча ходимлар, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлайдиган ходимлар ҳам йиллик меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эгаллиги, 217-моддасида эса меҳнат таътилининг энг кам давомийлиги 21 календарь кун экани белгиланган.

Мазкур ратификация Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга, келгусида Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашув ва "GSP+" тизими доирасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга қўлай шароит яратди.

Қолаверса, юртимизнинг нуфузли халқаро рейтинг ва индексларда, жумладан, БМТнинг "Инсон камолоти индекси" ҳамда Жаҳон банкининг "Аёллар, бизнес ва қонун рейтингини"да янада юқори поғонага кўтарилишига имкон беради.

Ариқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳкумлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, шаъни ва қадриятини ҳурмат қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шу мақсадда Озарбайжон, Бирлашган Араб Амириклари, Грузия, Италия, Латвия, Туркия, Туркменистон, Украина, Қозоғистон ва Эрон каби қатор давлатлар билан маҳкумларни мамлакатга қайтариш бўйича икки томонлама халқаро шартномалар имзоланганини, бу борадаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш чоралари кўриляётганини таъкидлаш зарур. Қолаверса, Ўзбекистон МДҲнинг "Мажбурий даволаш ўтказиш учун руҳий касалликка чалинган шахсларни топшириш тўғрисида"ги Конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланади.

Галнинг очиги, бугунги кунда бу шартномаларни тўлақонли бажариш борасида муайян қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Яъни ваколатли органлар томонидан озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг жазони ўташни давом эттириши учун, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун ўзи мансуб давлатга бериш ва қабул қилиш жараёнида айнинг муаммоларга дуч келинапти. Бу, албатта, миллий қонунчилигимизда шу жараёнларни

тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу муаммоларга ечим сифатида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 542-моддаларида озодликдан маҳрум

БРИКС: ЖАҲОНДА ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА БЎЛИБ БОРАЁТГАН БИРЛАШМА

Жаҳонда ўз сўзи ва овозига эга бўлган қатор ташкилот ва бирлашмалар мавжуд бўлиб, улар дунё сийсати ва иқтисодийотида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шулардан бири — БРИКС 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Миср ва Эфиопия унинг аъзоларидир.

Кун кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда бирлашмага раислик қилаётган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан мазкур ташкилот саммитида иштирок этди ва "БРИКС плюс" форматидаги ялпи сессияда нутқ сўзлади.

Учрашув кун тартибидан инклюзив ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олди. Шунингдек, глобал сийсатнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, таширф дастурида икки томонлама қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Таҳлил

22 — 24 октябрь кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган БРИКС ва "БРИКС плюс" саммитида 30 дан зиёд давлатлар вакиллари қатнашди. Тадбирда МДХдан ташқари Жанубий-Шарқий Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги минтақавий интеграция бирлашмаларига раислик қилувчи давлатлар, шунингдек, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, ШХТ бош қотиби Чжан Мин, МДХ ва ЕОИИ бош қотиблари, шунингдек, янги Тараққиёт банки президенти Дилма Русеф иштирок этгани халқаро ва минтақавий кун тартибидидаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконини берди.



Козон саммитидаги оқори даражали ва кенг қўламли географик вакиллик БРИКСнинг халқаро майдондаги роли ва ўрни мустаҳкамлашга бораётгани ҳамда мустақил ташқи сийсат юритаётган мамлакатлар томонидан ушбу тузилма ишига қизиқиш ортаётганидан далолат.

"БРИКС ва Глобал Жануб — биргаликда яхшироқ дунёни қуриш" шiori остида ўтказилган "БРИКС плюс" форматидаги учрашувларда Ўзбекистон Президенти иккинчи марта иштирок этди.

Едингида бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2022 йил 24 июнь кун "БРИКС плюс" форматидаги Глобал ривожланиш мақсадлари масалалари бўйича оқори даражали мулоқотда иштирок этган ва нутқ сўзлаган эди. Уша форум кун тартибидан 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибининг амалга ошириш борасидаги глобал шериклики мустаҳкамлаш масалалари ўрин олганди.

Халқаро кескинлик тобора кучайиб бораётган, тизимли иқтисодий инқироз белгилари намоён бўлаётган бир пайтда Ўзбекистон БРИКС давлатлари билан ҳамкорликдан манфаатдор, десак, янгилимаган бўлаемиз. Давлатимиз раҳбари Хитой ташаббуси билан ўтказилган "БРИКС плюс" саммитида сўзла-

давлатларнинг бошқа етакчи ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. У ўзаро савдо ва инвестицияларни илгари суриш, илгор технологиялар ва билмиларни трансфер қилиш, кооперация алоқаларини ва транспорт-коммуникация боғлиқлигини ривожлантириш, хавфсизлик соҳасида конструктив мулоқотни мустаҳкамлашда катта ўрин тутди.

БРИКСнинг яна бир устун томони шундаки, 3 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуддаги мамлакатлар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 25 фоизга яқини, глобал савдонинг қарийб 20 фоизи ва тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 25 фоизи тўғри келади. БРИКС мамлакатлари ўзларининг асосий ишлаб чиқариш сифатлари тўғрисида бир-бирини тўлдирди: Бразилия иқтисодиёти қишлоқ ҳўжалигига, Россия, Саудия Арабистони, БАА, Эрон — минералларга, Ҳиндистон — арзон интеллектуал ресурсларга, Хитой — кудратли саннатга, Жанубий Африка — табиий ресурсларга кўпроқ таянади. Бирлашмага аъзо мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва аҳолининг умумий фаровонлиги изчил ошиб бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, аъзо давлатларнинг барчаси индивидуал геғемонияларсиз кўп қутбли дунёни яратиш тарафдори. БРИКС аъзолари ўз мамлакатларида эскирган инфратузилмаларни модернизация қилиш ва аниқларини қуриш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширяпти. Бу бутун дунёдан инвесторларни жалб қилиш имкони бўлиб, глобал зиддиятлар шароитида, айниқса, муҳим. БРИКС расмий тузилма эмас, ақинча, бу глобал микёсдаги ўзига хос "клуб" бўлиб, унинг доирасида ривожланаётган давлатлар ўзаро тажриба алмашади, қўша лойиҳалар яратади, ҳам моддий, ҳам консалтинг нуктаи назаридан бир-бирига ёрдам беради.

Авалгига бешта, кейинчалик 10 та давлатни ўзида жамлаган давлатларо бирлашма дунё тартибининг кўп қутбли халқаро муносабатларга ўзгартирди. Улардан тўрттаси жаҳоннинг ялпи ички маҳсулотини энг юқори бўлган давлатлари ўналтигига қиради: Хитой иккинчи ўринда (АҚШдан кейин), Ҳиндистон учинчи ўринда, Бразилия етинчи, Россия тўққизинчи ўринда. Жа-нобий Африка энг кам вазнга эга, аммо асосий давлатлардан ҳисобланади, чунки у гуруҳдаги ягона Африка давлати-ри. Прогнозларга кўра, 2025 йилга бори-БРИКС давлатлари дунёнинг етакчи иқтисодиётига айланаши мумкин.

Бирлашмага Россия Президенти Владимир Путиннинг ташаббуси билан асос солинган бўлиб, унинг яратилиши

борасидаги музокаралар 2006 йилдан бошланди. Ушанда уларда бор-йўғи тўртта давлат — Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой вакиллари қатнашган. Уч йилдан сўнг, яъни 2009 йилда Россияда бирлашманинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Шундан сўнг ҳар йили давлат раҳбарларининг фаол кўмағида саммитлар ўтказила бошланди ва ҳар бир давлат навбатма-навбат олий мартабали меҳмонларни қабул қилди. 2010 йилда Жанубий Африка Республикаси бирлашма аъзолигига кирди ва 2011 йил бошида бирлашма бугунги кунга сақланиб қолаётган номга эга бўлди — БРИКС. Саммитлардан ташқари ташқи ишлар ва молия вазирларининг учрашувлари ҳам ўтказилаётгани ташкилотнинг сийсий аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. 2014 йилда БРИКС давлатлари сўздан амалга ўтиб, лойиҳаларни ишга туширишни бошлади.

2014 йил июль ойида Бразилияда бўлиб ўтган умумий йиғилишида БРИКС мамлакатлари ўзларининг Тараққиёт банкини яратишни маъқуллади. У аънавий халқаро молиявий институтлар — ХВЖ ва Жаҳон банкидан мустақил муассаса тузиш мақсадида ташкил этилди. Мазкур банк ҳўмонлик мақсадида эмас, балки молиявий инқироз оқибати бўлган ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун тузилди. БРИКС мамлакатларини Тараққиёт банкини тузишга ундаган яна бир сабаб, иттифоқ аъзоларининг фикрича, жаҳон иқтисодий тартибининг ўрнатувчи ташкилотлар (Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси) фақат йирик мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларига хизмат қилишидир.

Устав капитали 100 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётган банкнинг устав капитали 1 триллион доллардан юқори бўлган ХВЖ ва Жаҳон банки билан рақобатлашиши анча мураккаб вазифа. Аммо ушбу кўрсаткич ҳам БРИКСга келажақда илгари режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро миллий валюта-ларда савдо қилиш, қўша ижтимоий захира валютасини ва ягона банк тизимини ёки ўзининг рейтинг агентлигини яратиш имкониятини бериши мумкин. Шундай қилиб, улар аллақачон умумий маконни шакллантиришни бошлади.

БРИКС давлатларо бирлашмаси барча учун очик клуб. Бу унинг глобал таъсирини оширади, дунё тинчлиги, ривожланишига ёрдам беради. Прогноз-ларга кўра, 2028 йилга бориб, БРИКС мамлакатлари ЯИМ ҳарид қобилияти паритети бўйича жаҳон умумий ҳажмининг 37 фоизини ташкил қиладди, катта етти-ликнинг улуши эса 27 фоизга тушади. БРИКС кўп қутблиликнинг намунаси бўлиб, суверенитет ва ўзаро ҳурмат та-

моийллари асосида Глобал Жануб ва Шарқни бирлаштирган тузилмадир. Табиийки, БРИКС клуб доирасида молия-вий яқинлашуви амалга оширишга катта эътибор беради. Улар клуб микёси-даги молиявий платформа, махсус кли-ринг инфратузилмаси ва қайта сўғурта компанияси лойиҳасини муҳокама қил-моқда. Уларнинг ишга туширилиши мил-лий валюталарда ҳисоб-китоблар амали-ётини кенгайтиради ва ўзаро савдо-даги харажатларни камайтиради.

Бундан 15 йил олдин, глобал молия-вий инқирознинг олдини олишдаги му-ваффақиятсизлик халқаро иқтисодий куч ва жавобгарлиқни ривожланаётган мам-лакатлар фондасига қайта тақсимлаш чакриқларини келтириб чиқарди. Аммо БРИКС ўхшашликдан кўра кўпроқ фар-қларга эга бўлган турли хил давлатлар гуруҳи бўлиб қолмоқда: сийсий тизим-лар, уларнинг иқтисодиётлари ҳажми ва қўша зиддиятчи геосийсий манфаат-лар. Улар, шунингдек, Европа Иттифоқи каби ҳамжиҳатлик хусусиятига эга эмас. Блок на умумий котибиятга, на расмий тузилмага, на мажбурий ҳуқуқий тизим-га, на савдо шартномасига, на умумий валютага, на умумий фалсафага эга. Бирок БРИКС барча қарама-қаршилик ва келишмовчиликларга бардос бери-ди — 40 га яқин давлатлар унга қўшилиши ёки шерикликини истагани унинг истиқ-болидан дарак беради. Ҳозирда Озар-байжон, Туркия, Покистон, Малайзия ва Индонезия каби давлатларда ҳам БРИКС фаолиятига қизиқиш оқори. Вақти-вақ-ти билан БРИКС давлатлари БМТ Хавф-сизлик Кенгаши, ХВЖ ва Жаҳон банки каби кўп томонлама глобал институтлар-ни ислоқ қилишга чакриб келади.

БРИКС Тараққиёт банки аъзо дав-латлар иқтисодиётининг хусусий сектори-га сармоя киритиш учун миллий валю-талардан фойдаланиш ниятида. Банк ўз аъзолари иқтисодиётининг хусусий сек-торини молиялаштиришга интиляётгани учун миллий валюталардан фойдалани-шни режалаштирмоқда. 2023 йилда Жанубий Африкада бўлиб ўтган БРИКС саммитидан сўнг бирлашма аъзолари захира валюта тизимини яратиш йўл-ларини ўрнатишга келишиб олди. Аммо бирлашмага аъзо давлатларнинг ягона валютасини яратиш масаласи кун тар-тибда эмас. Миллий валюталардан фойдаланган ҳолда янги тўлов тизими-

ни ишлаб чиқиш зарурати кўпроқ муҳо-кама қилинапти, десак, тўғрироқ бўла-ди. Бугунги кунда мамлакатлар ўз мил-лий валюталаридан, жумладан, рақам-лий молиявий активларидан фойда-ланишлари мумкин бўлган муқобил мо-лиявий ҳисоб-китоблар тизимини яратишга катта эҳтиёж бор. Қолаверса, кўплаб мамлакатларнинг марказий банклари ўзларининг рақамли валю-таларини чиқармоқда. Аммо уларнинг ту-таштирилиши ва ҳисоб-китоблари ма-саласи асосий вазифадир.

Яна бир нарсда. Дунё бўйлаб давлат банкларининг олтин-валюта захиралари-даги доллар улуши 2023 йил охирида тарихий минимал даражага қисқарди. 2024 йилнинг иккинчи ярмида миллий захираларнинг 58 фоизи АҚШ долларид-а сақланади. Таққослаш учун: 2001 йил-да долларнинг ҳисоб-китоблари улуши 71 фоизни ташкил қилган. Бирги-на ўтган йилнинг ўзида жаҳон банклари 227 миллиард доллардан қутулиб, дол-лар портфелини 3,3 фоизга қисқарти-риб, 6,7 триллион долларга туширишди. Долларнинг жаҳон валюта захиралари-даги улуши ҳозирда ХВЖ бундай маъ-мулотарни йиғиш ва нашр этишни бош-лаган 1995 йилдан бери энг паст кўрсат-кидир. Доллар ўрнига банклар олтин сотиб олишни маъқул кўрмоқда: бу бо-рада Хитой, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон ва Таиланд энг фаол.

Аммо бу бирлашманин учинчи мам-лакатларга қарши қаратилишини анигла-майди. Ақинча, мазкур клуб дунё аҳоли-сининг қўшчилигини ташкил қилувчи, сўнгги ўн йилликларда иқтисодиёти анча фаол ривожланаётган мамлакатларни бирлаштириди. Қолаверса, савдо бозор-лари, истемолчилар, экспорт ва им-порт борасида тобора катта ҳажмга эга бўлиб бораётган давлатлар жаҳон иқти-содиётида муҳим роль ўйнаяпти ва бу борадаги имкониятларни бирлаштириш-га интильмоқда. Энди жаҳон иқтисоди-ётдаги ўзаро боғлиқлик кучайиши мум-кин. Чунки нафақат санвати ривожлан-ган мамлакатлар, балки Глобал Жануб деб аталадиган давлатларнинг ҳам дунё иқтисодиётдаги ўрни ва улуши ошиб бормоқда. БРИКС давлатлари эришган натижалар уларнинг глобал муаммолар-да янада кенроқ иштирок этишлари учун замин яратади.

Қисқача айтганда, БРИКСни яратишда асосий вазифа глобал сийсат ва иқтисодиётда янада адолатли тизимни ўрнатиш билан боғлиқ бўлиб, шунга яраша бирлашма доирасида йирик иқтисодиётларнинг сийй-харақатларини бирлаштириш ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Ислом Қаримов номидagi Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Давлатимиз раҳбари шу йил 23-24 октябрь кунлари Қозон шаҳрига амалий таширфи давомида "БРИКС плюс" саммитининг ялпи мажлисида иштирок этди ва қатор муҳим ташаббус ҳамда таклифларни илгари сурди.

Фикр

БРИКС 2006 йил июнь ойида Санкт-Петербург иқтисодий форуми доирасида Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой иқтисодиёт вазирлари иштирокида ташкил этилган.

Тузилманин асосий мақсади — иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ва технолоғик салоҳиятини сезиларли даражада мустаҳкамлаш йўлида самарали алоқалар учун шароит яратишдан иборат бўлиб, БРИКС доирасида Ишбилармонлар кенгаши ва БРИКС Тараққиёт банки фаолият юратади.

Бирлашма мамлакатлари умумий ер майдони ҳудудининг тахминан 30 фоизини, аҳолиси эса бутун дунёнинг 42 фоизини ташкил қиладди. Тахлиллар 2028 йилга бориб, БРИКС давлатлари кўрсаткичлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 33 — 35 фоизи даражасида бўлишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон учун БРИКС инклюзив ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш кун тартибининг илгари суриш учун изланаётган платформа саналади. Шу боис 2022 йилда Президентимиз "БРИКС плюс" форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича оқори даражадаги мулоқотда иштирок этиб, бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Бу гагли саммитда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан долзарб ташаббус ва таклифлар билдирилди. Хусусан, Россиянинг БРИКСга самарали раислиги даврида Ўзбекистон ушбу тузилманин Ешлар саммити ва Спорт ўйин-ларида, юридик ва парламент форумларида, хавфсизлик соҳасидаги оқори даражадаги учрашува ва бошқа тадбирларда фаол ишти-рок этганига уруғ берилди. Бундан бунён ҳам БРИКС давлатлари билан шериклик алоқалари-ни фаол ривожлантириш, ушбу бирлашма доирасида очилаётган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш таъкидланди.

Юртбошимиз, шунингдек, БРИКС мамлакатларининг глобал тенгсизлик ва иқтисодиётни инклюзив йўл билан қайта тиклаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фундаментал содиқлигини қўллаб-қувватла-ди. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон усту-вор инвестициявий ва ижтимоий лойиҳалар-ни амалга ошириш учун БРИКСнинг янги Тараққиёт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатишини режалаштирган ҳамда инновация, рақамли иқтисодиёт, "яшил" тараққиёт ва энергетика, тўсиқларсиз электрон тижорат каби соҳаларда амалий ҳамкорликни кен-гайтиришдан манфаатдор.

Ушбу нуфузли саммит доирасида мамлака-тимиз БРИКСдаги шериклари билан биргали-кда транспорт соҳасидаги боғлиқликни куч-айтириш, янги трансконтинентал йўлларни яратиш, етказиб беришининг ишончи лоғисти-ка занжирларини шакллантириш, каботжа ташувар тизимини ривожлантириш бора-сида яқиндан иш олиб боришга тайёрлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқиш таклифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, БРИКС саммити Ўзбекистон учун салмоқли, самарали ва халқимизнинг ман-фаатларига хизмат қиладиган, тараққиётчи-мизга ўзига хос хисса қўшадиган воқелик бўлди. Бу, ўз навбатида, халқаро алоқалар-ни янада кенгайтиришга хизмат қиладди.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Конун кучга кирди Ижтимоий ҳимоя энди янада самарали ва манзилли

Мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар, ўзгариш ва янги лойиҳалар, аввало, инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бўлиб, бугунги кунда унинг натижаларини халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги "Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сийсатини амалга оширувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг ҳузурида эса "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилгани фўқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини тубдан оширишда муҳим омил бўляпти.

Бирок шунга қарамай бугунги кунда агентлик ваколатларини, аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам ту-ларини қонун ҳужжатларида аниқлашти-риш зарурати юзага келаятган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 18 октябрь кун имзоланган "Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирили-ши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартириш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида"ги Қонун қўллаб қўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва хотиржамлик улашди, десак, асло янгилимаймиз.

Бинобарин, мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги-нинг хотин-қизларни таъзияк ва зўра-вонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаш, фўқаролик ишлари бўйича судларга ва мамурий судларга мурожаат этишда давлат бо-жини тўлашдан овоз қилиш, унинг зим-масига дафн этиш учун нафақани бе-риш вазифасини оқиллаштириш тааллуқ-ли ўзгаришлар киритилди.

Аҳамиятлиси, ўзгаларнинг парвар-ишига муҳтож бўлган, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун да-волаш муассасасининг ҳулосаси та-лаб этилмаслиги белгиланди. Ўзгалар парвартишига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ша-хар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битим-лар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, васийликдаги шахсининг мол-мулкни тақсимлашга доир би-тимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал



қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар "Инсон" иж-тимоий хизматлар марказларига тақ-дим этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжат билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгалар парвартишига му-ҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чеғириб ташланадиган харажатлар жумласи-га киритилиши минглаб одамлар ҳаётини ёриштирди, қўллаб хона-донларга қувонч, шодлик ва умид олиб кирди. Юртдошларимизни яна-да фаолликка қорлаб, уларни хара-катга келтирди.

Мамлакатимизда амалга ошири-ляётган ислохотларнинг асосий мақ-сади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, қонуний эҳтиёж-лари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини инобатга ол-ган ҳолда, қайт этиш жоғки, маз-кур Қонун бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамляйди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга му-ҳтож аҳоли қатламларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қили-нишини кучайтириш, ижтимоий хиз-матлар ва ёрдам кўрсатиш тизими-ни такомиллаштириш ҳамда уларнинг сифатини оширишга хизмат қиладди.

Аҳдам НАЗИРҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанин ҳақидаги маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45. Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6